

Шу кунларда мамлакатимизнинг қайси вилояти, туман ва қишлоқларига борманг, одамлар кайфиятидаги кўтаринкиликнинг гувоҳи бўласиз. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг шонли ўн олти йиллик тўйини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш мақсадида барча жабҳаларда қизғин ҳозирлик бошлаб юборилган. «Қуш тола» бунёдкорлари йилнинг илк ҳосили бўлмиш — пилла теришни ниҳоясига етказиб, бирин-кетин зафар қучмоқдалар. Фаллакорлар пешона тер эвазига етиштирилган ризқ-рўзимизни саранжомлаб олиш тарадду-дида. Аллақачонлар ҳосил туғунчаларини кўрсата бошлаган гўза қатор ораларига агротехник ишлов бериш тадбирлари ҳам авжида.

Тараққиёт манфаатдорликдан бошланади

Таърибли миришкорлар ва танти дехқонлари билан ном чикарган сўлим Фарғонада ҳам бу борада намунали ишлар амалга оширилмоқда. Кенг ва раво кўчалардан ўтиб, вилоят марказига кириб борар экансиз, чор атрофдаги эришлилардан беихтиёр калбингиз тўқиланади.

Бунёд қилинган янги коллежлар, мактаблар, инфратузилма шохобчалари ва бошқа биналар кўнглингизни ёриштиради. Дўкон расталари, бозорлар турли хил маҳсулотлар ҳамда ноз-неъматлар билан тўла. Уларнинг асосий қисми ўзимизда етиштирилган, ўзимизда ишлаб чиқарилган. Булар барчаси фақат мустақиллик давридагина юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлардир.

Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош бошқармаси жойлашган муҳташам бино. Бу ерда ҳозир одам бирмунча сийрак. Айни кунларда улар ҳам далада, ўз ҳамкорлари енида. Бугун бундай молиявий муассасаларда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори амалда.

Молиявий муассасаларимизда фаолият юритаётган раҳбар ҳодимларимизнинг масъулияти бугунги кунда ҳар қачонгидан ортган, — дейди ҳозиргина ўзи ҳам қайсидир тумандан қайтган Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси бошлиғи Содиржон Усмонов. — Чунки, асосий эътибор дала меҳнатқашларига қаратилмоқда. Иш ҳақлари тўғридан тўғри дала бошида тарқатилади. Хар бир туманга тижорат банклари раҳбарларидан алоҳида вақиллар бириктирилган. Бундан мақсад — молиявий масалада ҳеч қандай ҳеч қандай муаммо пайдо бўлишига йўл қўймаслик. Учраса, жойида ўша заҳоти ҳал этилади.

Аслида-ку, мижозлар ҳамими эътиборда. Мавсум нуктаи назари билан қарайдиган бўлсак, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига бўлган эътиборнинг шу кунларда ҳар қачонгидан кучайтирилгани аини мундоо. Сабаби, пилланинг сўғити мисқоллари териб олинати, асосий ризқ-рўзимиз — галла-ни саранжомлаш ишлари бошланмоқда. Мана шундай шароитда тарозининг агар соҳа турган палласи тош босади-да!

Бугун Бош бошқарма теварагига жипслашиб фаолият юритаётган 13 та тижорат банкларининг 71 та филиаллари, 184 та минибанклари, 67 та махсус кассалари ҳамда 90 та валюта айирбошлаш шохобчалари мижозлар ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш пайида бўлмоқда. Шунингдек, Фарғонада 6 та кредит уюшмалари ҳам иш олиб бормоқда. Зеро, иқтисодий кредитлар жадал ривожланиётган ҳозирги даврда молиявий қўллаб-қувватлашга талаб-эҳтиёж тобора ошмоқда.

Шу ўринда галлачиликни таҳлил қилиб кўрайлик. Дехқончилик қийлатган 8 минг нафар фермерга амалдаги меъёрлардан келиб чиқилган ҳолда жорий йилнинг январь-апрель ойларида 11,4 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кре-

ланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 308-сонли Фармони бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ҳоиз. Мазкур Фармон ижроси қўллаб ҳонадонларга чорва билан барака киргизгани ҳолда, аксарият уй бекаларини бир вақтингиз ўзида доимий иш билан ҳам таъминлаш имконини бермоқда ва у тижорат банклари томонидан аниқ режа асосида амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён ушбу мақсадлар учун 2553 та шахсий, ёрдами ва деҳқон ҳўжалиқларига жами 1,4 миллиард сўмдан ортик имтиёзли кредитлар йўналтириб берилди. Унинг 950 миллион сўми тижорат банкларининг ўз маблағи ҳисобидан йўналтирилди.

Мазкур ҳўжжатда четдан насли қорамолларни олиб келиш ҳам алоҳида кўзда тутилган. Айнан мана шу мақсад учун ўтган 4 ой давомида 70 та ҳўжалик юритувчи субъектларга 437 бош насли қорамол келтириш учун 1 миллиард 86,5 миллион сўм кредит берилди.

Ҳўкуматимиз топшириғига кўра, Фарғона вилоятида 10 минг бош паррандага эга ҳўжаликлари ташкил этиш белгиланган эди. Тижорат банклари Бош бошқарма раҳбарлиғида ушбу масалада ҳам ҳозиргача қўллаб ибратли ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдилар. Хусусан, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра 11 та ҳўжалик юритувчи субъектларга 87 минг бош парранда сотиб олиш учун 218 миллион сўм кредит маблағлари берилди. Бундан ташқари, 30 та ҳўжалик юритувчи субъект 82,2 минг бош парранда-ни ўз ҳисобларидан харид қилиб, иш бошлади. Бу кўрсаткичлар ҳўкуматимиз топшириғи вилоятда намунали баҳарилаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ша-

дириш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Кредит қўйил-малари қолдиқлари шу йилнинг 1 май ҳолатига 177 миллиард сўми ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 32 милли-ард сўмга, ўтган йилнинг шу да-врига таққослаганда эса 29,7 мил-лиард сўмга ўсганлиги эътиборга молик.

Вилоятда биринчи даражадаги тўловларни ўз мuddатида кечик-тирмай тўлаш, молиявий хизмат-ларни мижозларга яқинлаштириш мақсадида минибанклар тармоқла-рини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўла-ми ҳам кун сайин кенгайиб бормо-қда. Жорий йилнинг биринчи чорагида нақд пул тушуми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154,2 фоизга кўпайди. Айни вақтда нақд пулсиз ҳисоб-ки-

гина жорий йилнинг ўзида туга-тилган ширкатлар неғизда таш-кил этилган фермер ҳўжалиқлари-га хизмат кўрсатиш учун 32 та ки-чик шохобчалар фаолияти йўлга қўйилди. Мавжуд шохобчалар 8 мингдан зиёд фермерларга хиз-мат кўрсатмоқда. Минибанклар-нинг афзаллик жиҳати шундаки, мижозлар узок йўл босиб туман марказларига қатнамасдан, молия-вий масала билан боғлиқ ишла-рини қишлоқда амалга оширмоқ-далар. У нафақат фермерларга, балки қишлоқ аҳолисига ҳам хиз-мат кўрсатмоқда. Одамлар турли фоидали омонатларга ўз жамгар-маларини қўйишяпти. Коммунал тўловларни ҳам эндиликда шу ернинг ўзида амалга оширишяп-ти. Масалан, жорий йилнинг 1 май ҳолатига минибанклар бўйича аҳоли омонатлари 79 миллион сўми ташкил этди, коммунал тўловлар бўйича 108,5 миллион сўм нақд пул тушумига эришил-ди. Мижозларга кичик шохобча-лар орқали ўтган даврда 5126 миллион сўм миқдорда кредит натижасида 115 киши иш билан таъминланди. Ёки Қувасой шаҳ-ридаги кредит суммаси 5,5 мил-лион еврога молиялаштирилган «Алеста Гласс» шўба корхонаси-нинг лойиҳасини олиб қўрайлик. Ушбу режага кўра, Германиянинг «Эмхарт Гласс» компаниясидан оқ-овқат саноати учун маҳаллий техника билан таъминлаш, омон-натлар, нақд пул тушуми, пластик карточкалар билан ишлаш ва

субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан 398,9 миллион сўм маблағлар йўналтирилди. Айни вақтда жойларда 159 минг бош парранда парвариш қилинмоқда. Улар ҳадемай кўзланган маҳсу-лотларни зиёди билан бериши шубҳасиз.

Масалан, Олтиариқ туманида-ги «Одилжон» фермер ҳўжалиги «Асака» банкнинг 25 миллион, Ёёёон туманидаги «Азизбек Ни-зомов» фермер ҳўжалиги 50 мил-лион ҳамда Тошлоқ туманидаги «Зафар-Азиз» фермер ҳўжалиги 10 миллион сўм кредит маблағ-ларидан паррандачиликни ривож-лантиришда самарали фойдалан-моқда. Узок мuddати инвестиция лойиҳаларини молиялашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, банкнинг иқтисодий кўмаги билан «Отаёул хизмат» Фарғона МЧЖ 46 донга автобус сотиб олиб, шаҳар кўчалари бўйлаб қатновни йўлга қўйди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида 115 киши иш билан таъминланди. Ёки Қувасой шаҳ-ридаги кредит суммаси 5,5 мил-лион еврога молиялаштирилган «Алеста Гласс» шўба корхонаси-нинг лойиҳасини олиб қўрайлик. Ушбу режага кўра, Германиянинг «Эмхарт Гласс» компаниясидан оқ-овқат саноати учун маҳаллий техника билан таъминлаш, омон-натлар, нақд пул тушуми, пластик карточкалар билан ишлаш ва



Истиқлол йилларида қурилган бундай кўркам бино-лар лойиҳачилар, меъморлар ва қурувчилар меҳнатининг невосидир.

Молиявий муассасамизнинг иқтисодий кўмагидан фойдала-ниб, ҳам ўзига, ҳам аҳолига ман-фаат келтираётган бундай мижоз-ларимиз кўпчилигини ташкил эта-ди, — дейди Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлими бошқа-рувчиси Ғайрат Маннонов. — Кре-дит сўраб, эзгу ниятда ариза би-лан мурожаат қилаётган тадбир-корларнинг истакларини имкони борича қаноатлантиришга ҳаракат қилаёмиз. Бу эса мижозларнинг банкимизга бўлган қизиқиши ва ишончини кучайтирмоқда.

Дарвоқе, ажратиётган сармоялар вилоятда кўпгина ис-тиқболли ишларга асос солаёт-ти. Бугунги кунда Миллий банк-

кўрсатмоқда. Жорий йилда марказ ҳиснига яна кўр қўшилиб, ободон-чилиги зиёдалашадиган бўлди.

Бундан, айниқса, қишлоқ ёшлари хурсанд. Сабаби, 540 ўринли янги тиббиёт коллежини шу йилнинг 1 сентябрий - Ўзбеки-стон Республикаси давлат муста-қиллиги кунинда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда қурилиш ишлари тезкор амалга ошириляпти. Ўқув маскани энг замонавий лойиҳа асосида барпо этилмоқда. Йўналиш бўйича касб-ҳунар ўрганиш учун барча шаро-итлар ҳозирланмоқда. Ошхона, дам олиш хоналари, спорт залла-ри ва ётоқхоналар талабга тўла жавоб беради. Ушбу касб-ҳунар

Сармоя эзгу ишларнинг боши



«Асака» банки Фарғона вилоят бўлимининг иқтисо-дий қўллаб-қувватлаш эвазига энгил саноат соҳасида юзлаб янги иш ўринлари вужудга келтирилмоқда.

«Пехта Банк» кредитига олинган, Германиянинг «До-минатор» русумли комбайни ҳосилини саранжомлашда кирмонга барака киритади.

тоблар тизими ҳам тобора тако-миллашиб бормоқда. Банклар томонидан 262 минг-дан зиёд пластик карточкалар му-омалага чиқарилган. Уларнинг 210 мингтаси иш ҳақи лойиҳаси бўйича эмиссия қилинган. Шу бил-ан бир қаторда, вилоятда 649 донга хорижий валюталари, 27 донга кооператив ҳамда 1198 та оверд-рафт (кредит) карточкалари ҳам муомалага киритилган.

Пластик карточкалар сони ўтган йилнинг шу даврига таққос-лаганда 79 минг донга, жорий йил бошига солиштирилганда эса 4 минг донга ортган. Вилотнинг савдо ва хизмат кўрсатиш шохоб-чаларида 1399 та терминаллар ишлаб турибди.

Далага энг яқин банк

Учқўприк туманидаги «Улғубек» фермер ҳўжалиги раҳбари Равшан Ёқубов учун жорий йил ҳар жиҳатдан омадли келди. У кўндан бўён Германиянинг «Класс» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «Доминатор-130» маркали галла ўриш комбайнини сотиб олишни орзу қиларди. Бундай қуд-ратли техникага эга бўлиш-га кўзи етмасди. Чунки агре-гат нархи юксак имконият-ларига яраша эди. Ушбу масала бўйича аризани ўрганиб чиққан «Пахта Банк»нинг Учқўприк филиа-ли ва вилоят бошқармаси мулкдорга ишонч билдириб, ўз маблағи ҳисобидан 125 миллион сўм кредит ажрат-ди.

Ҳамма иш фермер мижоз бўлган М.Дехқонов минибанки орқали амалга оширилди. — Аввало, бизга мана шундай қулай имкониятларини яратиб қўйган Президентимизга, ҳўкумати-мизга ҳамда республика Марказий банки мутасаддиларига минг раҳ-мат, — дейди Р.Ёқубов. — Ўзбек деҳқони бугунга келиб амалда чинакамга қадр топаёпти. Дала-да ишлаш учун ҳамма шарт-шар-оит яратиб берилмоқда. Ёқилги, минерал ўғитлар ва иш ҳақлари-мизни ўзлари келтириб бери-шяпти. Мен, айниқса, «Пахта Банк»дан беҳад миннатдорман.

Энг муҳими, мана шундай қат-та кредитни ҳал қила олган «Пах-та Банк»нинг кичик шохобчалари-га бўлган қизқиш қишлоқ мулк-дорлари орасида янада кучайиб кетди.

Минибанкларни очишдан мақсад, аввало, ҳўкуматимиз қарорлари ижросини тўлиқ таъ-минлашдан, ҳолаверса, молиявий хизматни мижозларга яқинлашти-ришдан иборат, — дейди «Пахта Банк»нинг Фарғона вилоят бош-қармаси бошлиғи Жамшид Али-ев. — Бошқармамиз таркибига 102 та кичик шохобчалар мавжуд. Бир-

бошқа йўналишларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб мумкин. Энг муҳими, банк хизматларидан мижозлар хурсанд. Улар эътиро-фи эса ҳолис баҳо ҳисобланади.

Паррандачилик равнақиға молиявий кўмак

«Асака» банки нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёдаги йирик молиявий муассасалардан бири ҳисобланади. У инвести-цион лойиҳаларни иқтисодий қўллаб-қувватлашда катта таърибага эга бўлиб, Қорақалпоғистон Республи-каси ва вилоятларда 25 та филиали фаолият юритмоқ-да.

1996 йили ташкил этилган Фарғона вилоят бўлими мижоз-лар ва аҳоли ўртасида ҳўрмат то-пиб, ҳар томонлама ривожланди. Эндиликда унинг Кўкон, Олтиариқ ҳамда Марғилон бўлимлари ҳам мавжуд бўлиб, хизмат турлари тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, жойларда таш-кил этилган 3 та кичик шохобча-лар хизмати ҳам кўпчиликка маъ-қул келмоқда. Банк жамоаси до-имий равишда ўз активларининг ўс-ишига, фойда даражасини мут-табл оширишга ҳамда самара-дорлик кўрсаткичларини барқа-дорлаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу борада кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашга устувор вазифа си-фатида қаралмоқда. Иқтисодиёт-имизнинг ушбу реал тармоғини кредит маблағлари билан таъмин-лаш бўйича белгиланган режалар босқичма-босқич таъминланмоқ-да. Хусусан, 2006 йилнинг ўзида мазкур секторга 2,6 миллиард сўм кредит йўналтирилди. Бу маблағ-лар ҳисобига вилоят бўйича жами 664 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Мазкур банк қишлоқ ҳўжалик тармоғини ривожланти-ришга ҳам катта миқдорда иқти-содий ёрдам бераётганлигини таъкидлаш зарур. Жорий йилда нафақат чорвачилик, қўнчилик, асаларчилик ва баликчилик субъектларига, балки парранда-чиликни ривожлантириш масала-лари бўйича ҳам ўнлаб истиқбол-ли лойиҳаларга катта маблағ аж-ратилмоқда. Ушбу йўналишда ви-лоят ҳокимлиги билан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, паррандачилик соҳасида йил давомида 50 та лойиҳани молия-лаш кўзда тутилган. Шунда 172,5 минг бош парранда харид қили-ниб, боқувчи қўйиладди. Бу 115 миллион донга тўхум, 56 тонна парранда гўшти етиштиришга шароит тўғдиради. Ана шу сўй-ҳаракатлар натижасида 318 та янги иш ўринлари яратилди. Биринчи чоракдаёқ паррандачи-лик бўйича қариб 40 та лойиҳа тўлиқ молияланди. Хусусан, бу мақсадлар учун банк ҳисобидан 198,0 миллион, тадбиркорлик

дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Мазкур лойиҳанинг амалга ошиши нати-жасида 318 киши янги иш ўрни билан таъминланади. Корхонада йилгига ўртача 120,0 миллион донга ишлаб идишлар ишлаб чиқарилади. Махсулотни ички бозорга ва хорижга чиқариш режалаштирил-ган.

Мана шундай хизматларимиз туфайли мижозларимиз сони бу-гунга келиб 1000 киши ошиб кет-ди, — дейди «Асака» банкнинг Фарғона бўлими бошқарувчиси Дилшод Умаров. — Уларнинг 750 дан зиёдини кичик ва ўрта биз-нес субъектлари ташкил этади. Ҳамкорларимиз ишончини мус-тақамлаш ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун банкимиз жамоа-си доимий изланишда.

Банк сармояси - эзгу ишлар дебечаси

Вилоят шаҳар ва қишлоқ-ларини айлансангиз, замо-навий тарзда барпо этилган иссиқхоналарга кўзингиз тушади. Уларда етиштирил-ган सबзавот ҳамда резавор-лар йил икки ой аҳоли дас-турхонини безаб турибди.

Иссиқхоналарнинг қўлайиб бо-раётганлигидан қиш мавсумида ҳам помидор ва бодрийн маҳсуло-ларининг нархи у қадар кўтари-либ кетаётгани йўқ. Бу эса аҳоли-га катта қўлайлик тўғдирилмоқда. Шу билан бир қаторда, ўз томорқа-ларида иссиқхона барпо этиб, даро-мад кўриш ниятида бўлган ҳо-надон эгалари сони ҳам кун сайин қўлайиб бормоқда. Боиси, иссиқ-хона анча сердаромад соҳа. Бу оила бюджетини иқтисодий жи-ҳатдан мустақамлаш билан бир қаторда, бўш ўтирган ҳонадон аъзоларини ҳам доимий иш бил-ан таъминлайди. Иссиқхоналар-ни ташкил этиш учун қаттагина сармоя керак. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Фар-ғона вилоят бўлими ўз филиал-лари билан биргаликда бундай муаммолар ечимини топишга қўмлашмоқда.

Жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида Миллий банк шу йўналиш-нинг ўзига 213 миллион сўм узок мuddати кредит маблағларни йўналтирди. Натижада, ўндан зиёд янги замонавий иссиқхоналар қурилишига асос солинди. Улар

нинг вилоят бўлими шаҳар ва ту-манларда ўзининг 7 та филиалига эга бўлиб, улар 5980 та юридик ҳамда 16406 та жисмоний шахс-ларга хизмат кўрсатмоқда. Молия-вий муассаса кичик ва ўрта биз-нес субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш билан бирга, муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни ҳам молиялашга алоҳида аҳамият бермоқда. Хусу-сан, Фарғона шаҳридаги кимёвий толарав заводида «Полиамид-6» ва шина корди ишлаб чиқариш технологиясини барпо этиш учун 87 миллион немиш маркази, «Фар-ғонаазот» очик ҳиссадорлик жа-миятида «Натрий хлорати ва хлорат мағний дефоланти» ишлаб чиқа-риш учун 23 миллион евро ва 5,1 миллиард сўм, азот кислотаси ва аммиак селитраси ишлаб чиқа-риш қувватларини яратишга 56,6

коллежи қурилишининг жадал давом этишида «Ўзсаноатқури-лишбанк» Фарғона минтақавий филиали жамоасининг ҳиссаси катта. Гап шундаки, банк мазкур коллеж қурилишига 700 миллион сўм сармоя киригган.

Филиалимиз қадрлар тайёр-лаш миллий дастури асосида бунёд этилаётган бу каби қўллаб қурилишларга катта миқдорда кредит маблағларини йўналтириб бермоқда, — дейди «Саноатқури-лишбанк»нинг вилоят минтақавий филиали бошқарувчиси Анвар Ҳакимов.

Минтақавий филиал таркибида аини вақтда, амалиёт бўлими би-лан қўшиб ҳисоблаганда, 4 та бўлим ва 6 та минибанк мавжуд бўлиб, улар 1441 та мижозга на-мунали хизмат кўрсатиб келмоқ-да. Ҳамкорлар орасида «Ўзав-



Марғилон ҳўнармандчилиги мактабининг муносиб ворислари томонидан тилларда дoston бўлган атласнинг шўҳрати қайта тикланиб, унинг янги турларини тайёр-лаш ўзлаштирилмоқда.

миллион АҚШ доллари ва 5 мил-лиард сўм ҳамда «Автойна» ҳис-садорлик жамиятида энгил авто-мобиль ойналарини ишлаб чиқа-ришга 18,2 миллион евро миқдо-рида кредит маблағлари йўнал-тирилди. Энг муҳими, йил боши-дан буён кредитлар ҳисобидан вилоятда 500 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Келажакни қўзлаб

Бешариқ туманидаги Бе-шариқ қишлоғи маркази анча обод гўшалардан ҳисобланади.

Бу ерда катта-кичик савдо дўконлари, қўллаб маиший хизмат шохобчалари аҳолига хизмат

тойўл» концернига, «Ўзбекнефт-газ», «Ўзкимёсаноат» компания-ларига қарайди йирик корхоналар-нинг мавжудлиги мазкур молия-вий муассасанинг катта нуфузга эга эканлигидан далолат беради. Банк ўтган йили барча йўналиш-лар бўйича ўз олдиға қўйган ре-жаларини ортиғи билан урдала-ган эди. Жорий йил кўрсаткича-ри ҳам салмоқли бўлмоқда. Ми-жозларни кредит маблағлари билан таъминлаш имкониятлари тобора кенгаётганлиғи учун ҳам-корлар сони кун сайин қўймай-моқда. Айни вақтда мазкур банк би-лан ишлаётган фермер ҳўжалик-лари ҳам 50 тага етди.

Ўтган даврда минтақавий фили-ал ўз ҳисоби ҳамда лизинг йўна-лиши бўйича галла ва пахта етиш-тириётган фермерларга 12 донга турли русумдаги қишлоқ ҳўжалик техникаларини олиб берди. Мо-лиявий муассаса ўрта ва кичик биз-нес субъектлари, хусусий тадбир-корлиқни қўллаб-қувватлашга ҳам устувор вазифа сифатида қарамоқ-да. Ушбу йўналишда ўтган тўрт ой давомида 170 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари йўнал-тирилди. Уларнинг аксарияти ка-саначиликни ривожлантириш ҳамда ҳам таъминланган оилалар-га қорамол сотиб олиш учун аж-ратилди. Йил охирига қадар банк ўз маблағлари ҳисобидан шахсий ва ёрдами ҳўжаликларда чорва-чиликни ривожлантириш учун яна 40 миллион сўм сармоя ажратиш-ни режалаштирган.

Иброҳим ТШЕВ.

«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкнинг мо-лиявий кўмаги билан вужудга келтирилган иссиқхона-лар ноз-неъматлар етиштиришни кўпайтиришда муҳим аҳамиятига эга ятапти.

дитлар ажратилди. Пахта етишти-раётган фермерлар ҳам шу тарика иқтисодий қўллаб-қувватланмоқ-да. Бу соҳага йўналтирилган кре-дитлар салмоғи шу йилнинг 1 май санасига 28,8 миллиард сўмдан иборат бўлди ва бу жараён бос-қичма-босқич давом эттирилмоқ-да. Бундан ташқари, тижорат бан-клари қишлоқ ҳўжалик техника-ларига ҳам етарли равишда ўз маблағларидан кредитлар ажратмоқ-далар. 2007 йил биринчи чорагида вилоятда 401 та янги техника келти-рилиб, фермерларга берилди.

Вилоятда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу мақсад-ларга ўтган тўрт ой давомида бар-ча манбалар ҳисобидан 12,7 мил-лиард сўм, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан эса 11,7 миллиард сўм кредитлар аж-ратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига таққослан-ганда 5 миллиард сўмга кўпиди. Ажратиётган кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг бир



«Ўзсаноатқурилишбанк» Фарғона вилояти бўлими кредитлари ҳисобига кичик корхоналарда маҳсулот иш-лаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошяпти.

қаторида «Ғозиев Собир», «Ғозил-жон», «Субхан Янгиқўрган», «Им-коният», «Ботир Иқбол-Инвест» ҳамда «Ҳаёт боғлари» сингари де-ҳқон ва фермер ҳўжалиқлари бор. — Иссиқхона яхши даромад келтирадиган соҳа, — дейди ху-сусий тадбиркор Ғайратжон Йўлдошев. — Оиламиз билан бу ишга қўл урганимиздан хурсанд-миз. Миллий банкнинг 40 милли-он сўмлик кредити туфайли до-имий даромад манбаига эга бўмдик. Бунинг учун банкдан мин-натдормиз.

Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош бошқармаси ҳамда бир қатор тижорат банклари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мижозлар билан ҳамкорлик борасида орттирилган таърибага, молиявий муассасаларнинг ўрта ва кичик бизнес субъектларини кредит-лашдаги амалий натижаларга эътиборга молик. Иқтисодий ис-лохотлар кун сайин қўнғулашиб бораётган ҳозирги даврда тижорат банклари зиммасиданга масъулият ҳам тобора ортмоқда. Фарғонада мана шу юксак масъулиятни ҳис қилиб, энг муҳи-ми, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори соҳа ҳо-димлари учун амалда устувор вазифага айланиб, хизмат кўрса-тишда жаҳон андозалари даражасига интилишини кучайтган-лиги қувонарлидир.

Маънан баркамол, комил инсонни тарбиялаш унинг онг ва тафаккурига миллий истиқлол ғоясини нечоғли чуқур сингдириб бориш билан узвий боғлиқдир. Бугунги кунда бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш учун нималарга кўпроқ аҳамият бериш зарур? Мухбиримиз Олий Мажлис Сенати аъзоси, Янгйер шаҳридаги академик лицей директори Мамарахон ИСРОИЛОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

риш билан унинг таъсирчанлиги ошади, шундай эмасми?

—Тадбирни ташкиллаштиришда унинг иштирокчиси ким эканлигига, аудиторияга эътиборли бўлиш мақсада мувофиқдир. Яъни, тадбирдан қўзланган мақсад тингловчиларга қараб белгиланиши зарур. Истиқлол билан маърузачи ўртасида самимий муносабат ўрнатиш, мулоқот

зидентимиз ташаббуси билан ўқув муассасалари ахборот коммуникацион технологиялари билан тўла таъминланди. Республикада шохар ва қишлоқларидаги академик лицей, касб-хунар коллежлари, 60 дан ортиқ олий ўқув даргоҳлари, умумийликлар дастур асосида жиҳозланаётган мактаблар шундай имкониятларни ўзидан мужассам этган бўлиб, улар юртимиз

Ахборот маркетинги

XXI аср — ахборот технологиялари асри. Бозор иқтисодиёти шароитида ахборот бозори ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Хабардор бўлишга, тезкор ва ишончли ахборот олишга даромад келтирувчи манба сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Буларнинг барчаси ахборот маркетингини ташкил қилиши тақозо этади.

Бозордаги талаб, тақлиф, истеъмолчи диди, истакларини ҳар томонлама синчиқлаб ўрганиш, таҳлил қилиш муҳим

омил ҳисобланади. Ўз навбатида, бу ахборот маҳсулотлари, хизматлар хусусиятини бозор талабига мослаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Давр НАФАСИ

Ахборот маркетингининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: ахборот бозорини таҳлил қилиш, маҳсулотлар ҳамда хизматлар

нархини шакллантириш, ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни ўрнатиш, реклама ва тарғибот тадбирлари.

Демак, ахборот технологияларининг жадал суруятда ривожланиши маркетингга ҳам бечас боғлиқ. Негаки, истеъмолчи ахборотни аниқ, англ муҳими тез олишни истайди. Бу эса, ўз навбатида, шу соҳа ривожига асосий омил бўлади.

Ж. КУРБОНОВ,
ТДИУ талабаси.

Маънавият тарғиботига янгича ёндашув

Долзарб мавзуда суҳбат

2006 йилда Президентимизнинг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар да-

раш ҳамда бунёдкорлик ишларига жалб этиш мазкур марказларнинг асосий мақсадларидир. Бунга оғишмай амалга оширишда фақат тарғиботнинг ўзигагина қаратилмайди. Масалага илмий-амалий ёндашув, инсон

чоғи расмийатчиликка берилмаган маъқул. Тингловчилар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда жонли мулоқотда бўлиш лозим. Энг аввало, тарғиботчи яхши тайёргарлик кўриши, кўпроқ кундалик ҳаётимизда ишлатилган тушунарли сўзлардан фойдаланиши, агар тушунарли илмий ифода ёки атамалар қўлланилса, уни изоҳлаб бера олиши керак.

Тингловчи онгига пайдо бўлган бирор жумбоқни фақат мулоқотга киришиш орқали ҳал этиш, шу йўл билан тингловчинини ишонтириш, ҳам-фикрлиликка эришиш мумкин. Шунинг ҳам қайд этиш кераки, бу каби тадбирлар такрор ўтказилмаса, унинг ўзгараётган фикри қотиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Чунки айрим кишиларнинг китоб ўқимаслиги, оммавий ахборот воситалари, матбуот нашрларига лоқайд эканини унутиб бўлмайди. Айниқса, маҳалла, қорхона ва ташкилотларда бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилиши мақсада мувофиқдир.

—Худудларда жойлашган Ахборот-ресурс марказларининг бу борадаги ўрни ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

—Аввало, жойлардаги Ахборот-ресурс марказларининг имконияти кенг эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки бугунги кунда матбуот нашрлари ҳар бир хонадонга кириб боради, дейиш қийин. Бундан ташқари, ушбу марказларда турли хил адабиётлар мавжуд, электрон дастурлардан фойдаланиш ва интернет хизматлари ҳам йўлга қўйилган. Мазкур марказларнинг ўқув муассасаларида очилгани бежиз эмас, албатта. Пре-

аҳолисига маънавият марказлари сифатида хизмат қила олади.

—Хар бир тадбирнинг номи кишилар диққатини ўзига тортиши, уларни қизиқтириши лозим. Айрим ҳолларда бу жиҳат эътибордан четда қолаётгандай.

—Тадбир қандай номланганига қараб кишиларда қизиқиш уйғотиши мумкин ёки аксинча. Энг муҳими, ном қўзланган мақсадни тўғри фойдаланиш даркор. Тадбир ҳақида йиғилганлар олдиндан билиши, унга тайёрланиши ҳам муҳимдир, шундагина улар оддий тингловчи ёки кузатувчи бўлиб эмас, чинакам иштирокчи сифатида қатнашадилар. Бу эса тадбир самарасини белгилайди. Унга тайёргарлик ишлари ҳам зарур шарҳлардан бири саналиб, керакли аудио, визуал, кўргазмалар воситалар қўлланилса, имкон қадар фаол иштирокчилар учун оддий совғалар тайёрлаб қўйилса, янама яхши. Муаллиф сценарий тўзатганда ўзи яхши билган, тушунган масалаларга кўпроқ эътибор бериши зарур. Шундагина одамлар билан мулоқот жонли ва ишончли бўлади. Тингловчиларни толиқтирмаслик, зериктирмаслик, доимий жалб эта бориш учун ҳаётий мисоллардан кўпроқ фойдаланиш билан бирга, мавзуга илмий-педагогик ёндашув ҳам муҳимдир. Катнашчилар тарихий ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиш тарғиботчиға масала моҳиятини очиб беришда қўл келади.

«Кишлоқ ҳаёти» мухбири Шомурод ХОЛМУРОДОВ суҳбатлашди.



стури тўғрисида»ги ҳамда "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди. Шу асосда Республика "Маънавият ва маърифат" кенгашининг таркибий тузилмаси ўзгартирилиб, унинг таркибида "Миллий ғоя ва мафкура" илмий-амалий, республика маънавият-тарғибот марказлари ташкил этилди. Кишиларимиз онг ва тафаккурини турли ёт ғоялардан ас-

рухий оламни теранроқ билиш, тарғиботнинг турли шакл ва услубларидан фойдаланиш, унинг самарасини таъминлаш учун тинмай изланиш замон талабига айланган.

—Табийки, эски қолипдаги маърузалар одамларни қарчатади, зериктиради, эътиборини тортмайди. Бунга жиддий ёндашиб, тарғибот ишларини одамларнинг ўй ва таъшишлари, ҳаётий муаммоларни ўрганган ҳолда олиб бо-

Вниманию организаций и предприятий!

ОАО "УЗБЕКУГОЛЬ" объявляет конкурсные торги по поставке офисной мебели и цифровой АТС для реконструируемого офиса ОАО "Узбекуголь" в г. Ангрене.

Заказчик: ОАО "Узбекуголь".

Условия финансирования: финансирование в национальной валюте РУз.

Условия оплаты: предоплата в размере 30%.

Условия поставки: поставка в г. Ангрен, реконструируемый офис ОАО "Узбекуголь".

Срок поставки: 28 июня 2007 года.

Финансирование будет вестись за счет собственных средств и целевого фонда телереформирования ОАО "Узбекуголь".

Предприятия и организации должны соответствовать следующим условиям: иметь производственные мощности, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ (услуг), обладать опытом поставки, аналогичных конкурсного, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации "Тошкентской области по адресу: г.Ташкент, ул.Саида Барака, 76, комнаты 19, 21.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации 70 000 (семьдесят тысяч) сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Саид Барака, 76, комнаты 19, 21. Тел./факс: 55-46-17, 54-04-66.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, кв. Ц-14, дом 27, в зале совещаний ОАО "Узбекуголь".

Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Уруғлик картошка керакми? Марҳамат!

Ташкилот "AGRICO" компанияси (Голландия)да етиштирилган биринчи репродукция элита ҳамда суперэлита:

эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона

ва бошқа навларга мансуб картошка уруғлигини нақд пулга ва маблаг ўтказиш орқали сотиб олишни таклиф этади.

Картошка уруғлиги қуйидаги манзилдаги омбордан сотилади:

Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек ҚҒЙ Лойиҳачи кўчаси 7-уй (Мўлжал — Назарбек божхона пости).

Маълумот учун телефонлар: 162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва қорхоналари диққатига!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объектларга танлов савдоларида қатнашиш учун талабдор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 1-3:
ЛОТ-1. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 1176 ўқувчи ўринли 5-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш

Таъмирлаш ишларини туғатиш муддати — 45 кун.

ЛОТ-2. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 1176 ўқувчи ўринли 34-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш

Таъмирлаш ишларини туғатиш муддати — 50 кун.

ЛОТ-3. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 929 ўқувчи ўринли 46-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш

Таъмирлаш ишларини туғатиш муддати — 50 кун.

Қурилиш ишлари: маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти "Тошкентсалтингстройторг" давлат

унитар қорхонаси

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64-уй. Телефон/факс: (8371) 55-52-18, 55-52-19.

Талабдор сифатида иштирок этаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:

улар танлов савдолари предметни қийматининг камида 20 фоизи миқдоридан

ғайида маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк қарздорлигини, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти "Тошкентсалтингстройторг" давлат унитар қорхонасининг қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Саид Барака 76, тел(факс): 55-46-17, 54-04-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг қиймати 70 000 (етмиш минг) сум.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишнинг охириги муддати оферталар очилиш кўни ва соатига қадар.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 20 кундан кейин қуйидаги манзилда — Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА !!!

БАРВАҚТ ҚИЛИНГАН ҲАРАКАТ - ҲОСИЛГА БЕРАР БАРАКАТ

Деҳқон ва фермерларни ёрдамчи-қўмақдоши бўлган "АГРИМАТКО ЛТД" компанияси ўзининг янги хизматларини таклиф этади. "АГРИМАТКО ЛТД" компанияси 2003 йилдан буён Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бозорини Голландия, Швейцария, Япониянинг энг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, сабзавот ва полиз уруғлари, Бразилиянинг механик ҳамда моторли сув (дори) пуркагичлари билан таъминлашда муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Буллар:

А) Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари

Инсектицидлар (ҳашаротларни бартараф этувчи) группаси:

Нурел-Д (циперметрин+хлорпирифос) (пахта, галла, боғлар)

Вантекс (гамма-цигалотрин) (пахта, галла, картошка, боғлар, тоқзорлар)

Пилармос (ацетамприд) (пахта, бодиринг, помидор, картошка, қанд лавлаги, тут курти)

Пиларкин (имдаклоприд) (пахта, помидор, картошка, қанд лавлаги, боғлар)

Пиларметин (абамектин) (пахта, помидор)

Гербицидлар (бегона ўтларни йўқотувчи) группаси:

Зеллек Супер (галооксифоп-Р-метил) (пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзи, ахрик)

Старане 200 (флуораксипир) (пахта, маккашўхори, пиёз)

Дерби (флуоретсулам-флорасулам) (галла)

Фунгицидлар группаси:

Топаз (пенконазол) (бодиринг, тоқзор, олма, шафтоли, қулунай, пиёз)

Топсин-М (тиофанат-метил) (бодиринг, тоқзор, олма, шол)

Пилартебу (тебуконазол+триадиметил) (галла, тоқзор, шол)

Б) Сабзавот ва полиз экинлари уруғлари:

Помидор (дала ва иссиқхоналар учун) Бодиринг (дала ва иссиқхоналар учун) Булғор қалампир (дала ва иссиқхоналар учун)

Гулқарам (дала ва иссиқхоналар учун) Карам, пиёз, сабзи, тарвуз, қовун

В) Бразилиянинг механик ҳамда моторли боғлар ва далалар учун сув (дори) пуркагичлари.

Шу билан бирга, бизнинг малакали мутахассисларимиз юқори ҳосил олишнинг зарур бўлган маслаҳат ва тавсияларини амайдди.

Махсулотларини маҳаллий дистрибутор компаниялари орқали миллий валютага олишнинг мумкин. "АГРИМАТКО ЛТД" компанияси тақдим этаётган махсулотларнинг барчаси мувофиқлик сертификатларига эга.

Қуйидаги манзилларга мурожаат қилишнингизни сўраймиз: Тошкент ш. Д. Қунаев кўчаси—37/1 тел: (8371)1521735, 1337046. Фарғона водийсида: Андижон ш. Буюк Турон кўчаси—36 уй. Тел: (8374)2246268.

ООО "TRANSFORMSTROY" Мирабадского района г.Ташкента меняет фирменное наименование на ООО "TRANS-TERMINAL" и уменьшает Уставной фонд с 147 772 001,26 сум до 105 533 011,26 сум. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 103-21-51.

Тошкент вилояти МТПлари бирлашмаси жамоаси "Уртаовул-Агротек" МТП МЧЖ раиси А.Турсуновга волидаи муҳтарамаси

МАҲФУЗА ҲОЖИ ОНАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Хабиб ТЕМИРОВ, Уткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ,

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-56-25, Котибона — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-40-87, Кабулхона — 136-58-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-08; Бухоро — 8-365-22-644-61; Жиззах — 8-372-22-606-34; Навоий — 8-436-22-60-525; Наманган — 8-369-41-234-23; Фарғона — 8-373-61-521-97; Самарқанд — 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё — 8-376-46-526-61; Сирдарё — 8-367-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарё — 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

① —тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - ракам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Хайт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-517, ҳажми 2 босма табоқ,

Офсет усулида босилди, қозғоқ бичими А-2.

Босишга топириш вақти: 21.00. Босишга топириш вақти: 21.45

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.